Ключевые слова: *Увайси, диван, куллият, рукопись, источниковедение, текстология, история издания, жанровый состав, хамд, наат, разночтения, сводно-сопоставительное издание.*

S. Eshonova

Uvaysi's Divan Manuscript at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan: Composition, Publication History, and Principles for Preparing a Composite Comparative Text

This article examines the composition, codicological features, and publication history of Uvaysi's collected works preserved as manuscript No. 1837 at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of Uzbekistan. Source analysis and textual comparison establish that the its divan contains 306 poems of different genres. The study identifies differences in selection, arrangement, and publication of religious and mystical poetry. It distinguishes the evidential value of the scribal colophon, the binder's inscription, and later descriptive annotations. Principles for a composite edition include selecting a base manuscript, preserving genre and compositional order, recording textual variants, and identifying sources of additional poems. These findings support a fuller scholarly presentation of Uvaysi's literary legacy.

Keywords: *Uvaysi, divan, kulliyat, manuscript, source studies, textual scholarship, publication history, genre composition, hamd, naʿt, textual variants, composite edition.*

Э.Миркомилов

Ҳабибуллоҳ Хоразмий девони ва шеърларидан намуна

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитида кузатилган юксалиш, аввало, Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1845–1910; ҳукмронлиги 1864–1910) ҳомийлигида шаклланган ижодий муҳит билан боғлиқ. Бу даврда Хива мумтоз шеърият, таржимачилик, тарихнавислик ва китобат анъаналари ривожланган йирик маданий марказлардан бирига айланди. Феруз саройида адабий мажлислар ва шеърхонликларнинг мунтазам ўтказилиши ижодкорлар

ўртасидаги пайравлик анъанасини жонлантириб, шеърий анъаналарнинг давомийлигини таъминлади [18: 175–193; 8: 104–106; 9: 116–126; 10: 58–65; 11; 3: 85–87; 5: 196–200].

Мазкур адабий муҳитда мумтоз шеърий анъаналар фақатгина сақлаб қолинмасдан, ижодий ўзлаштириш ва қайта талқин этиш орқали ривожлантирилди. Хусусан, Алишер Навоий (1441–1501), Мунис Хоразмий (1778–1829) ва Муҳаммадризо Огаҳий (1809–1874) ижодига эргашиш, Феруз (1845–1910) ғазалларига назира ва тахмислар боғлаш адабий издошликнинг муҳим кўринишига айланди. Бу жараён девоннавислик, зуллисонайнлик ва жанрий ранг-баранглиқнинг ортишига хизмат қилди. Ана шу ижодий анъаналар доирасида шаклланган вакиллардан бири зуллисонайн шоир Мулла Ҳабибуллоҳ Хоразмий (1846–1914) ҳисобланади. Унинг исми мазкур муҳитдаги Феруз, Комил Хоразмий (1825–1899), Аҳмад Табибий (1869–1911), Аваз Ўтар (1884–1919), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840–1923) сингари у қадар машҳур бўлмаса-да, бизгача етиб етиб келган девонининг нусхалари шоир иқтидорини кўрсатиши билан бирга, Хива адабий муҳитининг ғоявий-бадиий хусусиятларини ҳам намоён этади.

Ҳабибуллоҳ Муҳаммад Амин ўғли Хоразмий (ваф. 1914) ҳақида жуда кам маълумот етиб келган. Хусусан, Аҳмад Табибийнинг “Мажмуаи шуарои пайрави Ферузшоҳий” (“Ферузшоҳга пайравлик қилган шоирлар тўплами”) ва Бобожон Тарроҳ Ходимнинг (1878–1971) “Хоразм шоир ва навозандалари”, Ҳасанмурод Лаффасийнинг (1880–1949) “Хива шоир ва адабиётшуносларининг таржимаи ҳоллари” номли тазкираларида шоирнинг таржимаи ҳоли, таҳсили, фаолияти адабий мавқеи ва ижтимоий фаолиятига оид айрим маълумотлар келтирилган. Уларни ўзаро қиёслаш орқали мазкур маълумотлар жамланди [1; 2; 3: 20–21, 83–85; 12; 17: 3; 18]. Уларга кўра, шоирнинг номи Ҳабибулло, отасининг номи Муҳаммад Амин, адабий тахаллуси Ҳабибий бўлган. У Хиванинг Оқмасжид қишлоғида туғилган. Отаси пўстиндўз бўлган. Маҳаллий мактабни тугаллаб, мадраса таҳсилини бошлаган кезлари отаси вафот этиб, моддий қийинчиликлар туфайли ўқишни тўхтатган. Оиласини таъминлаш учун деҳқончилик қилган, фарзандлари вояга етгач, қирқ ёшида таҳсилни давом эттирган. Кейинчалик Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. Хаттотлик билан ҳам шуғулланган ва Исломхўжа

вазир девонхонасида ёзувчилик ҳамда девонлик қилган. Халқ ўртасида "Ҳабибуллоҳ Охунд" номи билан танилган. Ходим маъоумотига кўра, у шоирлик фаолиятини қирқ ёшида бошлаган. Ферузга эргашиб, унинг ғазалларига пайрав шеърлар битган. Асфандиёрхон (1871–1918; ҳукмронлиги 1910–1918) даврида, аниқроғи 1914 йили олтмиш ёшида вафот этган ва Шоқаландарбобо қабристонига дафн этилган [4: 106; 6: 60–61; 4 : 6–8].

Лаффасий ўз тазкирасининг қирқ олтинчи ўрнида уни қуйидагича таърифлайди:

Ҳабибийки илм ичра олим эрур,
Табиат онга асру солим эрур.
Шоҳаншоҳга ушбу эрур пайрави,
Кирдори латофатда асру эрур,
Ҳабибий фироқ ичра гирён эрур,
Шабу рўз ҳолига эл ҳайрон эрур.

Ҳабибулло Охунд аҳволоти
Ҳабибийки муллойи доно эрур,
Бу адабиётдин ҳоли ифшо эрур [17: 105].

Табибий тазкирасида Ҳабибийнинг девон тартиб бергани, камсуқумлиги ва сўз танлашдаги диди таъкидланган [6: 60–61; 4: 6–8]. Бироқ ундаги Ҳабибийга оид ғазаллар Лаффасий тазкирасида учрамайди [7: 60; 4: 6].

Мулла Ҳабибуллоҳ Хоразмий "Ҳабиб" тахаллусида ёзган шеърларини жамлаб, девон тузган. "Девони Ҳабиб"нинг тўртта нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №7086/III, №1142/III, №946 ва №6677/VII ашё рақамлари билан сақланади.

№7086/III ашё рақамли қўлёзма 1325/1907–08 йили кўчирилган бўлиб, 141б–181б варақлардан Ҳабибнинг мунтахаб девони ўрин олган. Дастлаб алифбо тартибида ғазаллар (вв. 141б–173а), кейин мухаммаслар (вв. 173б–179б), мусаддаслар (вв. 177а–178б), "Наврўзномаи Ҳабиб" (вв. 179б), қасидалар (вв. 179б–180б) жойлаштирилган. Саҳифалар ҳошиясида Навоий (в. 173б), Мунис (вв. 173б–174а), Равнақ (вв. 176аб) ғазалларига битилган тахмислар мавжуд. Колофондан кейин яна

мухаммаслар (вв. 179б–181б) келтирилган. Шеърлар икки устунда фабрика қоғозига настаълиқ хатида ёзилган. 41 варақдан иборат (вв. 141б–181б). Ўлчами 27 х 17,5 см. Муқоваси картон, яшил рангли тамғаси бор [15: вв. 141б–181б].

№1142/III ашё рақамли қўлёзмада Ҳабиб девони 190б–247а варақларда келган. Бу нусхада ҳам дастлаб ғазаллар алифбо тартибида жойлаштирилган (вв. 190б–230а), сўнг Ҳабибнинг Навоий, Ғиёсиддин, Мунис, Феруз, Ожиза, Наврас, Зебуннисо, Холис, Равнақ, Огаҳий ғазалларига боғлаган тахмислари (вв. 230а–241а), мусаддаслар, (вв. 241б–245а), “Қасидаи Баҳория” (вв. 245б–246б) ҳамда “Наврўзномайи Ҳабиб” асари (вв. 246б–247а) келтирилган. Матн фабрика қоғозига настаълиқ хатида ёзилган. Қўлёзманинг 184б варағида 1326/1908 йили кўчирилгани ҳақида маълумот бор. Котиби номаълум. 58 варақдан иборат (190б–247а). Ўлчами 27 х 17,5 см. Яшил рангли картон муқовада, тамғаси бор [13: 190б–247а].

№946 ашё рақамли қўлёзмадаги барча шеърлар тўлиқ Ҳабиб қаламига мансуб. Девон таркибида дастлаб алифбо тартибида жойлашган 196 та ғазал (вв. 1б–41а) келтирилган. Кейин 1 та мухаммас (в. 53аб), Навоийнинг 3 та (вв. 41б–42а, 46аб, 48аб), Ғиёсиддиннинг 1 та (вв. 41аб), Мунишнинг 2 та (вв. 42б–43а, 49аб), Ферузнинг 7 та (вв. 43аб, 45б–46а, 48б–49а, 50аб, 50б–51б, 52аб, 52б–53а), Ожизнинг 1 та (вв. 43б–44а), Навраснинг 1 та (вв. 44аб), Зебуннисонинг 1 та (вв. 44б–45а), Холишнинг 1 та (вв. 46б–47а), Равнақнинг 1 та (вв. 47а–48а), Огаҳийнинг 1 та (вв. 51а–52б) ғазалларига боғланган 20 та тахмис, 5 та мусаддас (вв. 53б–56б) ва “Баҳория”, “Наврўзнома” номли 5 та қасида (вв. 56б–59а) жами 227 та шеър ўрин олган. Матн 1327/1908–09 йили Мулла Каримберган девон ибн Раҳмонберган Хоразмий котиб томонидан фабрика қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган. 59 варақдан иборат (вв. 1б–59а). Ўлчами 26 х 17,5 см. Яшил рангли картон муқовада, тамғаси бор [16].

№6677/VII ашё рақамли қўлёзмада Ҳабиб девони 189б–195а варақларда келган. Унда шоирнинг ғазаллари (вв. 189б–194а) ҳамда мухаммаслари (вв. 194а–195а) ўрин олган. Ғазаллар икки устунда, алифбо тартибида жойлаштирилган. Қўлёзмада асосан форсий ғазаллар жамланган. Шундай бўлса-да, туркий ғазаллар ҳам бор. Фабрика қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган. Кўчирилган йили ва

котиби номаълум. 7 варақдан иборат (вв. 189б–95а). Ўлчами 27 х 17,5 см. Яшил рангли картон муқовада [14: вв.189б–195а].

Мазкур девон қўлёзмаларидан 946 рақамлиси энг кейин кўчирилган, тўлдирилган нусха, қолганлари эса мунтахаб – терма девон нусхалари экани аниқланди. №№ 7086/III, 1142/III, 946 рақамли нусхаларда шоирнинг, асосан, туркий ҳамда оз миқдордаги форсий шеърлари жамланган. №6677/VII рақамли сайланма девонида эса аксинча, форсий шеърлар асосий қисмни ташкил этади. Девоннинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир жанр хаттот томонидан тартиб рақами билан белгиланган.

Қўлёзмаларнинг кўчирилиш санасига эътибор қаратсак, №7086/III нусхада 1325/1907–08 йил, №1142/III мажмуасида 1326/1908 йил, №946 нусхада эса 1327/1908–09 йил қайд этилган. Қўлёзма нусхаларнинг, тахминан, бир-бирига яқин вақтда китобат қилингани Ҳабиб шеърларига XX аср бошларида қизиқиш бўлганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳабибуллоҳ Хоразмий мероси Хива адабий муҳитидаги ижодий давомийликнинг нисбатан кам ўрганилган, аммо муҳим далилидир. Унинг девонидан биз Феруз давридаги адабий анъаналарни, Навоий ва Мунис меросининг кейинги авлод шеъриятидаги бадиий аксини, туркий-форсий шеърларнинг ёнма-ён мавжудлигини ва жанрий шаклларни кузатамиз. Бу мерос бир томондан шоир шахсиятининг тазкираларда қандай “яратилган”ини, иккинчи томондан унинг шеърлари қўлёзма саҳифаларида қандай сақланиб, қайта тартибланганини бирга ўрганишни талаб қилади. Бинобарин, “Девони Ҳабиб” фақатгина нашрга тайёрланаётган адабий мерос эмас, балки Хива адабий муҳитига оид матн ҳамда адабий издошлик асосида яратилган манба ҳамдир.

Биз мазкур девонларни қиёслаш асосида Ҳабиб девонининг йиғма-қиёсий матнини тайёрлашни мақсад қилдик. Мавжуд нусхалар таркибини ҳисобга оладиган бўлсак, 1327/1908–09 йилда кўчирилган №946 рақамли қўлёзма Ҳабиб девонининг энг тўлиғи бўлиб, кейинги тадқиқотимиздаги йиғма-қиёсий матн учун таянч манба сифатида танланди. Қолган сайланма нусхалар эса девоннинг йиғма-қиёсий матнини ҳозирлашда ёрдамчи манба вазифасини ўтайди. Қуйида

Ҳабиб девонидан олинган туркий шеърлар намуналарини илк бора эълон қилмоқдамиз.

1 ғазали Ҳабиб

1*б* Зеҳи[1] қудратнамолиғ қилдинг оламға адад пайдо,
Не зотингға макон зоҳир не авсофингға ҳад пайдо.

Жамолинг нуридин ҳар гулузориға бериб сайқал,
Қилурға андалиб асотир нам беадад пайдо.

Хирад[2] лол этмиш ўзини хардод[3] онлиғ бирла ҳамдингда,
Нединким, айлади хайр ул-башар[4] узрида мад пайдо.

Шаҳодат олами ғайб олами бирла сенга яксар[5],
Ки олам қудратинг олида бўлмас ҳеч сад[6] пайдо.

Ҳамма олам сенга муҳтож эрур, ҳеч эҳтиёжинг йўқ,
Нединким, эҳтиёж аҳли тилида ё Самад[7] пайдо.

Эрур зотинг Аҳад, ҳар фарди авсофингда ҳам сори,
Ададнинг фарду фардин айласанг таҳқиқи аҳад пайдо.

Агар фазли била журмингни[8] маҳв этса ажаб эрмас,
Ҳабибо ҳукм мақбулиға йўқтур ҳеч рад пайдо.

2 ғазали Ҳабиб

1*б* Кирдикоро[9] ўз вужудим жумла нуқсондур манга,
Бўлмамиш мундоғ жиноят халқ ҳайрондур манга.

---

[1] Зеҳи – қандай яхши.
[2] Хирад – ақл; ҳуш.
[3] Хардод – эрон шамсий йилининг 3-ойи (22май–21июнь).
[4] Хайр ул-башар – инсониятнинг энг яхшиси.
[5] Яксар – бутунлай.
[6] Сад – тўсиқ.
[7] Ё Самад – Ё Аллоҳ,
[8] Журм – гуноҳ.
[9] Кирдикор – яратувчи.

Лутф ила тутғил қўлумни айла тавфиқим[1] рафиқ[2],
Сен ҳидоят айласанг ҳар мушкил осондур манга.

Кўнглум ичра хушладинг бор омонат қўйғали,
Ул иноятдин ўлғон нури иймондур манга.

2*а* Маърифатнинг баҳридин саршар[3] қилғайсен ўзинг,
Фавти[4] жон қилмоқға лозим бўлғон ирфондур манга.

Ҳомий ўлсанг ҳолима осудалиғ жонимдадур,
Бўлмаса кибру ҳасаднинг ўти парронду[5] манга.

Борҳо[6] ужбу[7] риё амрозидин[8] дармондаман,
Сидқу ихлосимни маҳкам айла дармондур манга.

Фазлинг тутғил Ҳабиб ўлсун сарофрози[9] Карим,
Раҳматинг дарёсининг ҳар мавжи пуркондур менга.

3 ғазали Ҳабиб

2*а* Зеҳи гулзор ҳуснинг ичра то қилдинг чаман пайдо,
Анинг даврида айлаб сен улусдин[10] анжуман пайдо.

Хираднинг фикри ноқисдур чаманзор жамолингда,
Зуҳуринг барча оламда эмас зотингға тан пайдо.

[1] Тавфиқ – мадад.
[2] Рафиқ – дўст, йўлдош.
[3] Саршар – мўл, тўла.
[4] Фавт – ўтмоқ.
[5] Паррон – отилган.
[6] Борҳо – марталар.
[7] Ужб – риёкорлик.
[8] Амроз – касаллик.
[9] Сарафроз – юксалган.
[10] Улус – эл, халқ.

Узоринг[1] ламъасин[2] ширин лабида жилвагар айлаб,
Қилибсен ишқида Фарҳод янглиғ[3] кўҳкан[4] пайдо.

Солиб ишқ оташининг шуъласин Лайли узориға,
Жунун водийсида Мажнунға қилдинг турфа фан пайдо.

Тароват еткуруб гулшан аро сунъинг баҳоридин,
Тамошо сен қилурға айладинг сарву саман пайдо.

Шиъори ҳикматинг аҳли жаҳонға қилғоли қилдинг,
Тегиндин зоҳир айлаб гул доғи гулдин тикан пайдо.

Нечук ҳамдингға тил очсун Ҳабиб ожизлиғи бирла,
Бўлур гардун[5] жафосидин анга ҳардам миҳан[6] пайдо.

Навоий ғазалига ёзган мухаммаси

Мухаммас 1

41*б* Кел эй соқий, олиб май арғувони бирла жому жам,
Муғанний нағма оғоз эт тузуб созингни зеру бам,
Нединким фасл гул бўлди кўнгулда қолмасун ҳеч ғам,
Мувофиқ келдилар бўлмиш наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат менинг сурурвоним ҳам.

Гулу гулшан дўнуб[7] алвон ичинда наргиси фаттон[8],
Хиром айлаб маҳи тобон боқиб кўз учидин ҳарён,
Бўлубдур ғунчалар хандон эрур булбуллари нолон,
Чаман сарви қолиб ҳайрон менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон мунга шайдо бари олам.

[1] Узор – юз, бет.
[2] Ламъа – порлоқлик.
[3] Янглиғ – сингари, ўхшаш.
[4] Кўҳкан – тоғ қазувчи.
[5] Гардун – фалак, тақдир.
[6] Миҳан – меҳнатлар, машаққатлар.
[7] Дўнуб – айланиб.
[8] Фаттон – жозибали.

Очиб юз ул пари пайкар солиб олам аро сарсар,
Муқаввас қошлари фарфар чекиб мужгонлари ханжар,
Жаҳон ошуб ўлуб яксар хижлдур қаддидин ар-ар,
Чаман сарви бўлуб бепар менинг сарвим бўлуб дилбар,
Они ел айлабон музтар бу елдек секритиб у ҳам.

Қилурда шиша май қул-қул бўлурда жом майи милмил,
Ўзимни айладим бир қул паришон айлагач кокил,
Мушомимға етиб сунбул узорини очиб гулгул,
Тутуб[1] ул гул уза булбул чекиб гул шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул анга тердин тушуб шабнам.

Бўлуб ошифтаҳу шайдо қолиб ҳижрон аро танҳо,
Бошимға ишқдин савдо тушубдур, эй кўзи шаҳло,
Қилурман нола бепарво недур бу нозу истиғно,
Қилиб ҳам сори сарв буён майл этмадинг қатъан[2],
Сабодин эй, қадди раъно бўлур ҳам сарви каҳқаҳ хам.

Бале, лафзи била боғлаб убудиятға мийсоқи,
Онинг қаршусида инди самодин неча авроқи,
Бўлур фоний ҳамма дунё ва мо-фийҳо фалак токи,
Бу боғ ичра май, эй соқийки борман асиру муштоқи,
Ки онда аср ҳам боқий эмас гул аҳди ҳам муҳкам.

Ҳабибо, бўлмадинг фозил агар қолмай десанг жоҳил,
Топиб бир муршиди комил ўзингни айлагил восил,
42*а* Бўлур ҳар мақсадинг ҳосил, бўлуб сени ажзинга қойил,
Навоий кўйин эт манзил юзу қаддиға бўл мойил.
Ки боғ этмас сени хушдил гули сарв айламас хирам.

[1] №1142 қўлёзмада қўнуб.
[2] №1142 қўлёзмада, Қилиб оҳим сари сарво буён майл этмадинг қатъан.

Мусаддас 1 Мусаддаси Ҳабиб

53*б* Дилдор келди бир кеча айлаб ясоғлар,
Ҳарён тарафда тутдим онга шаб чироғлар,
Гулгун май ила илкида гулгун аёғлар,
Санчиб бошиға зийнат учун гул будоғлар,
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Аҳли жаҳонға айлади афшойи ҳуснини,
Қилдурғоли улусға тамошойи ҳуснини,
Тазйин этибму зулфи сумансойи[1] ҳуснини,
Ушшоқ хайли кўрди дил оройи ҳуснини,
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Гулшанда гул узорин очиб тузди анжуман,
Булбул навосин айлади афзун этиб чечан.
Райҳон гулидин олди қўлиға тузуб чаман,
Жон қушлариға ҳалқа зулфин қилиб расан[2],
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

54*а* Дардоки айтайин кима бу ҳоли зорими,
Ишқ ўти ўртади бу дили беқарорими,
Кўздин оққизди қон этибон ашки борими,
Ағёр хайли бу кеча базм этса ёрими,
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Васлин топорға ҳар кеча-кундуз уруб қадам,
Тинмай фиғону нола қилурман чекиб надам.
Уйқум етурди ҳар кеча бўлғунча субҳидам,
Ҳажр ўти ўртабон дилу жонимни дамбадам.

[1] Зулфи сумансой – хушбўй соч.
[2] Расан – арқон.

Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Ҳарён хиром этарда неча рамзу ноз этиб,
Ушшоқ бағрин эзди наво бирла соз этиб.
Мен теграсида бир неча ажзу ниёз этиб,
Лутф айлади роқимий[1] кўп сарафроз этиб.
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Ғам шоми шиддатидин эрур заъфлиғ таним,
Айшу тараб қилурға етган бўлди гулшаним.
Дарду фироқ донасидин тўлди хирманим,
Топмай Ҳабиб бўлди бу водийда масканим.
Доғ узра қўйди кўксума бир неча доғлар,
Қилғонда гулшану чаману сайри боғлар.

Мусаддас 2 Мусаддаси Ҳабиб

54*а* Тушти кўп ҳажринг ғамидин кўнглум ичра печутоб[2],
Оташи ишқингдин ўлди изтиробим беҳисоб,
Нозу истиғно қилурға кўзларингдур масти хоб,
Билмадим журмим не бўлди, қилдинг аҳволим хароб,
Ижтиноб эттинг қошимдин айлаб умр оса шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

54*б* Жавру зулмингни менга ҳардам фаровон айлабон,
Лола доғидек юрагим таҳ[3] теба қон айлабон,
Шум рақиб аҳлини тегрангда нигоҳбон айлабон,
Еткурурға жом васлинг аҳду паймон айлабон,
Ижтиноб эттинг қошимдин айлабон умри шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

[1] №1142 қўлёзмада “рақибим”.
[2] Печутоб – изтироб.
[3] Таҳ – ост.

Оташи ишқинг ҳазин кўнглумга солди тоби таб,
Гул юзингга бир назар айлаб кўзум бўлди сабаб,
Кўргач ўқ саргашта кўнглум кетти ҳарён телба роб,
Ваъдаи васл ила сархуш айлаб, эй ҳур алқаб,
Ижтиноб эттинг қошимдин айлабон умри шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

Гул юзинг ишқида булбулдек фиғону нолалар,
Тортибон ёш ўрниға кўздин оқиздим жолалар,
Эй юзинг гардида зулфингдин чекилган ҳолалар[1],
Кўксума доғ узра доғ ўлди очилғон лолалар,
Ижтиноб эттинг қошимдин айлабон умри шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

Доруйи васлинг била дардимға дармон қилмайин,
Неча жавру зулм этиб охир пушаймон қилмайин,
Тарк этиб жавру жафо лутфингни эҳсон қилмайин,
Ғунчадек очилғоли лаълингни хандон қилмайин,
Ижтиноб эттинг қошимдин айлабон умри шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

Гардишдур фалакдин жазо ситам етмай насиб,
Қилғоли розу дилим афшосиға топмай Ҳабиб,
Ўртаниб жону дилимда қолмади сабру шикиб[2],
Васлинга еткурмасанг ўлгумдур эмди анқариб[3].
Ижтиноб эттинг қошимдин айлабон умри шитоб,
Кўз ёшим хун бўлди, қаддим вожгун, бағрим кабоб.

Қасидаи баҳорияи Ҳабиб 1

56*б* Йил ғанам[4] эрди жаҳонни лолазор этти баҳор,
Жумъа кун буржи ҳамални ошкор этти баҳор.

[1] Ҳола – ой ёки қуёшнинг қўрғонланиши, гардиш боғлаши.
[2] Шикиб – чидам.
[3] Анқариб – тез фурсатда.
[4] Ғанам – қўй.

57*а* Ҳижрат эрди бир минг учюз ҳам йигирма бешда[1],
Дилкушо ишрат фазолиқ ихтиёр этти баҳор.

Ҳам зафар фарр ойи саккизланчи саййидо жумъа кун,
Тенг қилиб лайлу наҳорин устувор этти баҳор.

Айш саҳроси ҳавосидин табиат боғида,
Шодлиғнинг шохасини мевадор этти баҳор.

Неча кун ўзни зимистон фаслида айлаб аён[2],
Ким жаҳон аҳлин юзига интизор этти баҳор.

Чун бурудат[3] пардасидин ўзни хориж айлабон,
Оби тисандин[4] жаҳонни обдор[5] этти баҳор.

Боғ ора зийнат учун сарву санубар шохасин,
Уйғотиб қиш уйқусидин мевадор этти баҳор.

Ҳар шажарнинг шохасиға айлабон пайванд гул,
Ул гул ичра мева бунёдин қарор этти баҳор.

Бири шохидур етган ондин қилиб зоҳир гулин,
Биридин унноб[6] этиб, бирдин анор этти баҳор.

Ишрат асбобин тузарга соқийи гулчеҳралар,
Гулшан ичра ранг-баранг гуллола зор этти баҳор.

Бир тараф булбул фиғонин кўрсатиб гулзораро,
Бир тараф қумри садосини шиъор этти баҳор.

[1] 1325/1907–08 йил
[2] №1142 қўлёзмада – ниҳон – яширин, беркитилган.
[3] Бурудат – совуқлик.
[4] Тисан – 1) ёмғир суви; 2) кўз ёши.
[5] Обдор – серсув.
[6] Унноб – чилонжийда.

Андалиб айлаб тараннум бир тараф гул ишқида,
Бир тараф ашжор хайлин шохсор этти баҳор.

Гулуъзорин ранги шабнам бирла ол этмак учун,
Абру боронин[1] самодин интишор этти баҳор.

Гул пайидин сабзаи баргин намоён айлабон,
Боғ аро кўк атласидин марғзор[2] этти баҳор.

Ҳар ким аҳбобе била сармаст саҳбо бўлғоли,
Сабзазор айлаб жаҳонни ифтихор этти баҳор.

Ҳар тарафға бош чекарга ангабинлар[3] шохаси,
Чирмашиб ҳабл ул-матин[4] дек тортор этти баҳор.

Ҳавзлар лаб рез ўлуб Жайҳун зилолидин мудом,
Текрасида гулжабинларға қарор этти баҳор.

Наргис шаҳлоларини гулшан ичра кўргузуб,
Ким фараҳ афзолиғини иштиҳор этти баҳор.

Ҳам чаман райҳонларининг бўйидин ишқ аҳлининг,
Еткуруб ҳардам машомин мушкбор этти баҳор.

Мажлисаро ҳурвашлар[5] ҳусниға зийнат учун,
Ҳар тарафдин бошлариға гул нисор этти баҳор.

Еткуруб боди сабонинг риҳидин[6] осойише,
Барча ашёнинг номусиға мадор этти баҳор.

[1] Борон – ёмғир.
[2] Марғзор – ўтлоқ.
[3] Ангабин – асал, бол.
[4] Ҳабл ул-матин – мустаҳкам арқон.
[5] Ҳурваш – жуда гўзал, ҳурга ўхшаш.
[6] Риҳ – ел, шамол, ҳид.

Кун-бакун ўзга тароват кўргузуб гулшан аро,
Гул учун булбул фиғонин хору хор этти баҳор.

57*б* Дилраболар бошиға зийнат учун гул санчибон,
Шавқдин ушшоқ кўнглин беқарор этти баҳор.

Эй хушо, улким ғанимат билса бу айёмни,
Айш асбобин улусға бешумор этти баҳор.

Ишқ анвори шуъоъ партавидин заррае,
Зоҳир айлаб лола кўксун доғдор этти баҳор.

Бир садаф оғзиға найсон қатрасини еткуруб,
Ташлабон уммонға дурри шаҳвор этти баҳор.

Ҳушманда[1] жон кўзи бирла агар қилсанг назар,
Не шарофатлиғ замондур жилвазор этти баҳор.

Ким хирадманд ўлса билгай бир шажар яфроғин,
Маърифатнинг дафтаридин зебдор этти баҳор.

Бу тароватлар мажозидур баҳора нисбати,
Фи-л-ҳақиқат қудрати Парвардигор этти баҳор.

Сен киму васфи баҳор этмакким эрди, эй Ҳабиб,
Еткуруб файзу футуҳин табъидор этти баҳор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад Табибий. Мажмуаи шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма №1152.
2. Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм навозандалари / Нашрга тайёрловчи: Давлатёр Раҳим. – Тошкент, 1994.

[1] Ҳушманд – ҳушёр.

3. Дўстова С. Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари ва унинг қиёсий-матний тадқиқи. – Тошкент, 2023.
4. Кентаева Г. XIX asr oxiri XX asr boshlarida Xiva adabiy muhitida Habibiyning o‘rni va devoni qo‘lyozmalari haqida // Tadqiqotlar. 2025. 70(1). Б. 5–9.
5. Умарова С.З. Diwanism in the Literary Environment of Khiva in the XIX – Early XX Centuries // International Journal of Social Science Research and Review. 2022. Vol. 5, № 8. P. 196–200.
6. Хайтбоева З.Ф. XIX asr oxiri XX asr boshlarida Xiva adabiy muhitida Habibiyning o‘rni // Ta’lim va rivojlanish tahlili. 2024. 4(4). Б. 59–61.
7. Хайтбоева З.Ф. Лаффасий ва Бобожон Тарроҳ тазкираларида Ҳабибулло Охунд Хабибийнинг автобиографияси // Назарий ва амалий фанлардаги устувор ислоҳотлар ва замонавий таълимнинг инновацион йўналишлари. 2024. 1(11). Б. 213–215.
8. Эркинов А. “Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) ва унинг сарой адабий муҳити” // Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни. Республика илмий анжумани материаллари. Хива, 2011 й. Б. 104–106.
9. Эркинов А. Поездка А.Н. Самойловича в Хивинское ханство в 1908 году и оценка им литературной среды // II Востоковедческие чтения памяти Н. П. Остроумова. Сборник материалов. – Ташкент, 2010. – С. 116–126.
10. Эркинов А. Тимуридский маньеризм в литературной среде Хивы при Мухаммад Рахим-хане II (на примере антологии “Маджму‘а-йи шу‘ара-йи Фируз-шахи”) / Timurid mannerism in the literary context of Khiva under Muhammad Rahim-khan II (Based on the anthology Majmu‘a-yi shu‘ara-yi Firuz-shahi) // *Вестник МИЦАИ / Bulletin of IICAS*. Volume 8. 2008. – P. 58–65.
11. Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Тошкент, 2010.
12. Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №9596.
13. Ҳабибуллоҳ Хоразмий. Девони. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №1142/III, вв. 190б–247а.
14. Ҳабибуллоҳ Хоразмий. Девони. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №6677/VII, вв.189б–195а.

15. Ҳабибуллоҳ Хоразмий. Девони. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №7086/III, вв. 141б–181б.
16. Ҳабибуллоҳ Хоразмий. Девони. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №946.
17. Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи: П. Бобожонов. – Урганч, 1992.
18. Erkinov, A. & Vahidov, Sh. Une source méconnue pour l'étude de la production de livres à la cour de Muhammad Rahim II (Khiva, fin XIXe s.) // Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. Cahiers d'Asie Centrale, 7 / A. Muminov, F. Richard & M. Szuppe (Eds.). IFEAC–Édisud, Tashkent–Aix-en-Provence, 1999. – P. 175–193.

Э. Миркомилов

Ҳабибуллоҳ Хоразмий девони ва шеърларидан намуна

Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1845–1910; ҳукмронлиги 1864–1910) асос солган Хива адабий муҳити девоннавислик, назирачилик ва тахмиснавислик каби мумтоз анъаналар ривожига, янги ижодкорларнинг етишиб чиқишига хизмат қилган.

Мақолада Хива адабий муҳити вакилларидан Мулла Ҳабибуллоҳ Хоразмийнинг "Ҳабиб" тахаллусида тузган девонининг қўлёзма нусхалари асосида ўрганилди. Табибий, Ходим, Лаффасий тазкиралари ёрдамида таржимаи ҳоли тикланди. Ҳабиб девонининг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган тўрт қўлёзма нусхаси тавсифланиб, нусхаларнинг кўчирилиш санаси, котиблари, ҳажми, жанрий таркиби ва шеърларнинг жойлашиш тартиби ўзаро қиёсланди. Ғазал, мухаммас, мусаддас ва қасидаларнинг қўлёзмалардаги тақсимоти, туркий ва форсий шеърлар нисбати аниқланди. Тадқиқотда 946 рақамли қўлёзманинг нисбатан тўлиқлиги асосланиб, унинг йиғма-қиёсий матн тайёрлашда таянч нусха сифатида танлангани, қолган нусхаларнинг матнни тўлдириш ва вариантларни аниқлашдаги аҳамияти кўрсатилди.

Мақола Ҳабибуллоҳ Хоразмий адабий меросини илмий муомалага киритиш ва Хива адабий муҳитидаги ижодий ворисийлигини ёритишга хизмат қилади. Шоир шеърларидан олинган намуналар илк бора эълон қилинмоқда.

Калит сўзлар: *Ҳабибуллоҳ Хоразмий, “Девони Ҳабиб”, Хива адабий муҳити, қўлёзма нусхалар, девоннавислик, йиғма-қиёсий матн, тахмиснавислик, адабий издошлик, зуллисонайн.*

Э. Миркамилов

Диван Хабибуллаха Хорезми и образцы его поэзии

Хивинская литературная среда, основы которой заложил Мухаммад Рахим-хан II Феруз (1845–1910; годы правления: 1864–1910), способствовала развитию классических традиций составления диванов, создания назира и тахмисов, а также выявлению новых поэтических дарований.

В статье на основе рукописных списков исследуются диван Муллы Хабибуллаха Хорезми, представителя хивинской литературной среды, писавшего под псевдонимом «Хабиб». Его биография реконструирована по тазкирам Табиби, Ходима и Лаффаси. Описаны четыре рукописных списка дивана Хабиба, хранящиеся в Институте востоковедения АН РУз. Сопоставлены даты их переписки, сведения о переписчиках, объём, жанровый состав и порядок расположения стихотворений. Установлены распределение газелей, мухаммасов, мусаддасов и касыд по рукописям, а также соотношение стихотворений на тюркском и персидском языках. Обоснована относительная полнота рукописи № 946 и её выбор в качестве опорного списка для подготовки сводно-сопоставительного текста. Показано значение остальных списков для восполнения текста и выявления разночтений.

Статья способствует введению литературного наследия Хабибуллаха Хорезми в научный оборот и раскрытию его творческой преемственности в контексте хивинской литературной среды. Образцы его стихотворений публикуются впервые.

Ключевые слова: *Хабибуллах Хорезми, «Диван Хабиба», хивинская литературная среда, рукописные списки, диванословение, сводно-сопоставительный текст, тахмис, литературная преемственность, двуязычие (зуллисонайн).*

E. Mirkamilov

The divan of Habibullah Khwarazmi and selected examples of his poetry

The Khivan literary milieu established by Muhammad Rahim Khan II Feruz (1845–1910; reign: 1864–1910) fostered the development of classical traditions of divan compilation, nazira composition, and takhmis writing, while encouraging the emergence of new poetic talent.

This article examines the divan of Mulla Habibullah Khwarazmi, a representative of the Khivan literary milieu who wrote under the pen name Habib, through its surviving manuscript copies. His biography is reconstructed using the tazkiras of Tabibi, Khodim, and Laffasi. Four manuscript copies of Habib's divan preserved at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan are described and compared in terms of their copying dates, scribes, extent, genre composition, and arrangement of poems. The study establishes the distribution of ghazals, mukhammases, musaddases, and qasidas across the manuscripts, as well as the relative proportions of Turkic and Persian poetry. It demonstrates the relative completeness of manuscript No. 946 and explains its selection as the base manuscript for preparing a composite comparative text. The importance of the other copies for supplementing the text and identifying textual variants is also highlighted.

The article contributes to bringing Habibullah Khwarazmi's literary legacy into scholarly circulation and elucidating his continuation of poetic traditions within the Khivan literary milieu. Selected examples of his poetry are published for the first time.

Keywords: *Habibullah Khwarazmi, Divan-i Habib, Khivan literary milieu, manuscript witnesses, divan compilation, composite comparative text, takhmis composition, literary continuity, bilingual literary tradition (zullisonayn).*